O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2009 йил 10 декабрь, № 238 (4901) Пайшанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг

ФАРМОЙИШИ

«БАРКАМОЛ АВЛОД ЙИЛИ» ДАВЛАТ ДАСТУРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШ ВА АМАЛГА ОШИРИШ БЎЙИЧА ТАШКИЛИЙ ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимизда соғлом ва уйғун камол топган авлодни тарбиялаш учун зарур имкониятлар ҳамда шарт-шароитларни яратиш, XXI аср — интеллектуал қадриятлар устуворлик қиладиган аср эканлигини эътиборга олган ҳолда Ватанимиз йигит ва қизларини ҳар томонлама баркамол шахслар этиб шакллантириш борасидаги кенг кўламли чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш мақсадида ва 2010 йил Ўзбекистон Республикасида "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши муносабати билан:

1. "Баркамол авлод йили" Давлат дастурини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш бўйича Республика комиссияси иловага мувофиқ таркибда тузилсин.

2. Республика комиссияси (Ш. М. Мирзиёев) бир ой муддатда вазирликлар, идоралар ва жамоат ташкилотлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда "Баркамол авлод йили" Дастури лойиҳасини ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун киритсин.

3. Дастурда ҳар томонлама баркамол ёш авлодни шакллантиришни таъминлаш бўйича қабул қилинган давлат дастурлари ҳамда бошқа тадбирларга мувофиқ амалга ошириладиган чора-тадбирларни давом эттириш билан бир қаторда қуйидаги устувор йўналишлар бўйича энг муҳим вазифаларни ҳал этиш назарда тутилсин:

болалар ҳамда ёшларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишга, уларни уйғун камол топтиришнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлашга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, амалдаги қонунлар ва меъёрий ҳужжатларга замон талабларига мос ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш;

энг аввало, соғлом наслни, "Соғлом она — соғлом бола" дастурини амалга ошириб боришни таъминлаш, оналарнинг репродуктив саломатлигини сақлаш, болалар ва ўсмирлар соғлиғини муҳофаза қилиш тизимини такомиллаштириш, профилактик соғлиқни сақлашни устувор даражада ривожлантириш, тиббиёт хизматининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соғлом бола туғилиши ва уни тарбиялаш масалалари юзасидан аҳоли ўртасида тушунтириш ишларини авж олдириш орқали соғлом авлодни шакллантириш борасидаги чора-тадбирларни янада кучайтириш, ёшларда соғлом ва аҳил оила қуришга интилиш иштиёқини шакллантириш;

ўсиб келаётган авлодни ўқитиш ва тарбиялаш соҳасида яратилган замонавий моддий-техника базасидан оқилона ва самарали фойдаланишни таъминлаш, замон талабларидан келиб чиққан ҳолда, олий ва ўрта махсус таълим тизимида реал иқтисодиёт тармоқлари ҳамда соҳаларида талаб этилаётган таълим ва мутахассисликларнинг йўналишларини қайта кўриб чиқиш ҳамда такомиллаштириш, давлат таълим стандартларини, ўқув дастурлари ва ўқув-услубий адабиётларни такомиллаштириш;

ўқув жараёнига янги ахборот-коммуникация ва педагогика технологияларини, электрон дарсликлар ҳамда мультимедия воситаларини кенг жорий этиш ҳисобига мамлакат мактаблари, касб-ҳунар коллежлари ва лицейларида, олий таълим муассасаларида таълим бериш сифатини тубдан яхшилаш, таълим муассасаларининг ўқув-лаборатория базасини энг замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси билан мустаҳкамлаш, шунингдек, ўқитувчилар ва мураббийларнинг машаққатли меҳнатини моддий ҳамда маънавий рағбатлантиришнинг самарали тизимини шакллантириш;

нафақат мактабларда, лицейларда, коллеж ва олий таълим муассасаларида, балки ҳар бир оиланинг ҳаётида замонавий ахборот ва компьютер технологиялари, рақамли ҳамда кенг форматли телекоммуникация алоқа воситалари, Интернет тизимини татбиқ этиш, ўзлаштириш ва янада ривожлантириш;

ёш авлоднинг жисмоний тарбияси ва болалар спорти соҳасида, ёшларни, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни мунтазам равишда спорт билан шуғулланишга жалб этиш бўйича олиб борилаётган ишларни босқичма-босқич кучайтириш, янги спорт комплекслари, стадионлар, иншоотлар қуриш, уларни замонавий спорт анжомлари ва ускуналари билан жиҳозлаш, юқори малакали тренер кадрлар ва мураббийлар билан мустаҳкамлаш;

таркибий (техник ҳамда технологик) ўзгартиришларнинг энг муҳим йўналиши, аҳоли даромадлари ва мулкдорларнинг ўрта синфини шакллантириш асоси сифатида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни янада рағбатлантириш ва бу соҳадаги мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг комплекс чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, айниқса, қишлоқ жойларда ёшларни, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари ва олий таълим муассасалари битирувчиларини тадбиркорлик фаолиятига кенг жалб этиш учун шарт-шароит яратиш;

илм-фанни янада ривожлантириш, талантли, иқтидорли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш учун шароит яратиш, улар томонидан ўзларининг ижодий ва интеллектуал салоҳиятини амалга ошириш, жумладан, илм-фан ва технологияларни ривожлантириш махсус жамғармасини ташкил этиш, Фанлар академияси ва мамлакатимиз олий таълим муассасалари тизимида илғор, истиқболли илмий тадқиқотлар ва илмий изланишлар олиб бориш учун янги лабораториялар яратиш, хорижий илмий марказлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш ва кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

ёш оилаларга ғамхўрлик қилишни кучайтириш, уларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий ҳимоясини таъминлаш, жисмонан соғлом ва уйғун камол топган ёш авлодни тарбиялаш ишида жамиятнинг муҳим, ҳал қилувчи бўғини бўлган, фарзандлар шахс сифатида шаклланиб, Ватанга муҳаббат, миллий ва умумбашарий қадриятлар руҳида тарбияланиб, ўз халқининг муносиб вакиллари бўлиб етишадиган, соғлом ҳамда мустаҳкам оилани қуриш учун зарур шароитларни яратиш;

ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзи тамойилларини қарор топтириш, уларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, ташқаридан кириб келаётган тубан «оммавий маданият»нинг турли иллатлари хавфи ва зарарли таъсирларидан ҳимоя қилиш комплекс чора-тадбирларини амалга ошириш.

4. Мазкур фармойишнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ш. М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2009 йил 9 декабрь

2010 йил — Баркамол авлод йили

ЭНГ МУҚАДДАС МАҚСАД — ФАРЗАНДЛАР КАМОЛИ

Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганининг 17 йиллиги муносабати билан "Ўзбекистон" Халқаро анжуманлар саройида бўлиб ўтган тантанали маросимда 2010 йилни "Баркамол авлод йили" деб эълон қилдилар. Бу таклиф гулдурос олқишлар билан қўллаб-қувватланди.

Зеро, истиқлол йилларида ёшларга эътибор ва ғамхўрлик, навқирон авлоднинг иқтидорли ва истеъдодли вакилларини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда устувор масалага айланганлигини ҳар биримиз чуқур англаб, кўриб, билиб турибмиз.

Минглаб дилларга қувонч ато этишда, юз-кўзлари ёниб турган йигит-қизларга қанот бағишлашда Баркамол авлод йилининг беқиёс аҳамият касб этмоғи тайин. Аслида, ёшларнинг камоли, уларнинг жамиятимиздаги барча соҳаларда асосий ўрин эгаллашлари ҳам келажак эгаларига нисбатан юксак ишонч туфайлидир.

Бевосита Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилиб, ҳаётга татбиқ этилган "Таълим тўғрисида"ги Қонун, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури каби ҳужжатларда акс этган вазифалар ҳам баайни ёшларимизнинг келажаги ёрқин ва ишончли бўлишига хизмат қилаётир. Қад ростлаган ва ростлаётган, нафақат ташқи кўриниши, балки таълим-тарбия бериш сифати билан ҳам беқиёс аҳамиятга молик касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни айтмайсизми?! Ёхуд мухташам, энг замонавий ва сифатли ўқув жиҳозлари билан таъминланган мактабларда билим олаётган фарзандларимизга боқиб, фахрланмай бўладими?! Амалга оширилаётган бу каби ислоҳотлар буюк келажагимизни барпо этиш учун ўта муҳим мезон ҳисобланади.

Бу каби эзгу саъй-ҳаракатлар миллий истиқлол ғояси руҳида тарбияланаётган, замонавий билимлар асосида таҳсил олиб, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга бел боғлаган азму шижоатли ёшларимизнинг порлоқ истиқболи учундир. Ҳеч кимдан кам бўлмаган, ҳар томонлама баркамол бу авлодни келажаги буюк мамлакатнинг мустаҳкам пойдевори деб аташга ҳақлимиз. Боиси, ушбу ПОЙДЕВОР орзуларимиздек улуғвор, тараққиёт сари ташланаётган одимларимиз каби залворли бўлиши аниқ.

Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

УЛУҒ АЖДОДЛАРНИНГ ДАВОМЧИСИМИЗ!

Ҳар гал саҳнага чиққанимда қаттиқ ҳаяжонланаман. Одатда, бундай масъулиятли дамда киши ўз-ўзига руҳан далда беришга ҳаракат қилади. Мен ҳам шундай пайтда санъат йўлини танлаб, эл хизматига камарбаста бўлишдек катта масъулиятни зиммамга олганлигим, энди бу йўлда фидойилик билан меҳнат қилишим лозимлиги хусусида ўйлай бошлайман.

Фахр

Мамлакатимизда биз, ёшларга юксак ишонч билдирилаётгани бежиз эмаслиги, бунга жавобан, эртанги кунинг ҳал қилувчи кучи сифатида майдонга чиқишимиз кераклигини эсга олиб, дадилланаман.

Куни кеча "Ўзбекистон" Халқаро анжуманлар саройида Конституциямизнинг 17 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантанали маросимда Юртбошимизнинг ёшлар ҳақида айтган сўзларини тинглаб, фахрланиб кетдим. Тинч ва осойишта, ўз келажагига ишонч билан қарайдиган шундай бебаҳо юрт фарзанди эканлигимдан ғурур ҳиссини туйдим. Президентимиз мамлакатимизда амалга оширилаётган эзгу саъй-ҳаракатлар мамлакатимиз ёшларининг эртанги кун, юрт тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис, баркамол шахс сифатида камол топишига қаратилганлигини алоҳида таъкидладилар. Чиндан ҳам, бугун бизнинг ўқиб илм олишимиз, етук малакага эга бўлишимиз учун барча шарт-шароит таъминланган. 2008 йилнинг "Ёшлар йили", 2010 йилнинг "Баркамол авлод йили" дея аталиши, замонавий ўқув даргоҳлари, юксак техник имкониятлар, истеъдод ва қобилиятимизни юзага чиқаришга қаратилган рағбату имтиёзлар бунинг тасдиғидир.

Бугунги кунда миллий санъатимиз намуналарини тараннум этишга ва шу орқали эл меҳрини қозонишга астойдил интилаяпмиз. Зеро, дунё аҳлини улуғ аждодларимиздан мерос ўлмас санъатимиз, кўнгилларга маънавий қувват бахш этувчи беназир оҳангларимиз билан лол қолдириш мумкин.

Сардор РАҲИМХОН,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист.

САЙЛОВ — 2009

Бугунги сонда Ўзбекистон «Адолат» социал-демократик партияси ва Ўзбекистон «Миллий тикланиш» демократик партияси вакилларининг чиқишлари билан танишасиз.

2-саҳифага қаранг.

10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

Инсон дунёга келибдики, тинч ва фаровон ҳаёт кечиришни, ўз хоҳиш-иродасининг рўёбини кўришни орзу қилади ҳамда доимо шунга интилиб яшайди. Бироқ ҳеч бир замонда бу эзгу ниятга осонлик билан эришилган эмас. Фақат ўз мустақиллигини, эркини қўлга киритган халқгина ана шу буюк неъматлардан бахраманд бўлишга, эртанги тақдирини ўз қўли билан белгилашга қодир бўлади.

Ўтган ўн саккиз йиллик истиқлол даври ушбу ҳаётий ҳақиқатни бизга янада яққол исботлаб берди. Яъни, Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсатлари туфайли озод ва обод Ўзбекистонимиз ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан жадал ривожланиб бормоқда, халқимиз турмуш даражаси яхшиланиб, келажагига бўлган ишонч ҳисси мустаҳкамланмоқда. Энг муҳими, давлатимиз эришаётган муваффақиятлар халқаро миқёсда ҳам юксак даражада эътироф этилиб, чуқур ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилмоқда.

(Давоми 3-бетда).

Давлатимиз раҳбарининг Конституциямиз қабул қилинганининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасини телевизор орқали диққат билан эшитдим. Унда якунига етиб бораётган йилда мамлакатимизда амалга оширилган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари тўғрисида батафсил сўз юритилиб, келгуси вазифалар хусусида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

БЕБАҲО НЕЪМАТ ҚАДРИ

Дил сўзи

Айниқса, 2010 йилнинг юртимизда "Баркамол авлод йили" деб эълон қилиниши ҳаммамизга кўтаринки кайфият бағишлади. Чунки келажагига муносиб пойдевор яратмоқчи бўлган миллатгина ёш авлод тарбиясига мана шундай юксак даражада эътибор қаратади.

Келинг, гапим қуруқ бўлмаслиги учун биргина туманимиздан мисол келтирсам. Ўтган йиллар давомида бизнинг Хатирчи туманида 6 та касб-ҳунар коллежи, 15 дан ортиқ қишлоқ врачлик пункти қурилди. Қанчадан-қанча мактаблар янгитдан таъмирланди. Ўзим истиқомат қилаётган Охунбобоев номидаги қишлоқ фуқаролар йиғинида 10 ойда 600 ўринли замонавий педагогика коллежи қурилиб, ишга туширилди. Бу, табиийки, давлатимизнинг ёшларга — эртамиз эгаларига бўлган эътибори намунасидир. Эсимда, ҳали мустақилликка эришмасимиздан аввал ана шу коллеж ёнидаги ўрта мактабни 10 йил деганда базўр битказишганди. Шунда ҳам у ердаги шароитлар яримёрти эди...

Ёшим саксонга қараб одимлаяпти. Бугунги ёш авлодга кўрсатилаётган ғамхўрлик, яратилаётган шарт-шароитларни кўриб, эртанги кунимизга ишонч тобора ортади. Чунки мана шундай эъзозда, эътиборда ўсган фарзандларимиз, албатта, келажакда улкан ютуқларга эришади. Шу боис ҳар гал маҳалламиздаги оқсоқоллар билан суҳбат қурганимизда, бу имкониятларнинг барчаси — истиқлол берган неъмат, Юртбошимизнинг узоқни кўзлаб амалга ошираётган оқилона сиёсатлари самараси эканлигини таъкидлаймиз. Қишлоғимиз ёшларини бу неъматнинг қадрига етишга, ундан самарали фойдаланишга ва шу юртга муносиб фарзанд бўлишга даъват этамиз.

Зайниддин САЙФУТДИНОВ,
меҳнат фахрийси.
Хатирчи тумани

ЕХҲТ/ДИИҲБ КУЗАТУВЧИЛАРИ МИССИЯСИ ИШ БОШЛАДИ

Илгари хабар берилганидек, Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг мажлисида Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг (ЕХҲТ) Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бюросидан (ДИИҲБ) сайловларни баҳолаш бўйича 13 кишидан иборат миссияни рўйхатга олиш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Таъкидлаш жоизки, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида"ги Қонунга мувофиқ, сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга доир барча тадбирларда, шунингдек, сайлов куни овоз бериш хоналарида ва овозларни санаб чиқишда депутатликка номзодлар кўрсатган сиёсий партиялардан биттадан кузатувчи, оммавий ахборот воситаларининг вакиллари, бошқа давлатлар, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан кузатувчилар қатнашиш ҳуқуқига эга.

Марказий сайлов комиссиясида ЕХҲТ/ДИИҲБ миссияси халқаро кузатувчиларига мандатлар топширилиши муносабати билан учрашув бўлиб ўтди. Унда томонлар фикр алмашиш ва ўзаро ҳамкорлик масалаларини мувофиқлаштириш имконига эга бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси раиси Мирзо-Улуғбек Абдусаломов ДИИҲБ вакилларига Марказий сайлов комиссияси амалиётида биринчи марта жорий йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашлари сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича Концепция ҳақида сўзлаб берди ҳамда ушбу Концепцияда белгиланган вазифалар ижроси хусусида батафсил тўхталиб ўтди.

Учрашув чоғида ЕХҲТ/ДИИҲБ миссияси экспертлари ўзларини қизиқтирган барча саволларга, жумладан, Ўзбекистон сайлов қонунчилигига киритилган ўзгартишлар, Ўзбекистон Экологик ҳаракатининг сайловда иштирокининг ҳуқуқий асослари ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасига ушбу ҳаракатдан депутатларни сайлаш тартиби тўғрисидаги саволларга жавоб олдилар.

— Биз Ўзбекистон томонининг ҳамкорликка тайёр эканига гувоҳ бўлдик ва биргаликда самарали ишлай оламиз, деб ўйлайман, — деди ЕХҲТ/ДИИҲБ миссияси раҳбари Иоланда Брунетти. — Миссиямиз Ўзбекистонга сайловларни ўтказишга кўмаклашиш мақсадида ташриф буюрди. Мен мамлакатингизда сайлов қонунчилигининг ривожланишини изчил кузатиб келмоқдаман ва ҳозирги кунда бу борада кўплаб ижобий ўзгаришлар юз берганига ишонч ҳосил қилдим.

Миссия раҳбарининг таъкидлашича, ДИИҲБ сайловларга тайёргарлик ишлари билан танишиш учун мамлакатимизнинг турли ҳудудларидаги бир қанча сайлов участкаларини бориб кўришни режалаштирмоқда.

Миссия экспертлари Ўзбекистонда 31 декабргача бўлади. Миссия ўз фаолияти давомида Ўзбекистонда сайловларни ўтказиш, шунингдек, ДИИҲБнинг аввалги тавсияларининг амалга оширилишини баҳолайди ҳамда баҳолаш якунлари бўйича ҳисобот тайёрлайди.

Экспертлар давлат органлари вакиллари, депутатликка номзодлар, сиёсий партиялар, суд органлари, фуқаролик жамияти ва оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ҳам учрашувлар ўтказади.

(ЎзА).

O'ZBEKISTON ADOLAT SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Исмоил САИФНАЗАРОВ билан суҳбат

АДОЛАТ — ҲАЁТИМИЗНИНГ БОШ МЕЗОНИ

— Исмоил Саифназарович, "Адолат" партияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига шу йилнинг 27 декабрида бўлиб ўтадиган сайловни қандай ғоялар билан қаршиламоқда?

— Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сайлов кампаниясида иштирок этар экан, яна бир бор ижтимоий демократия тамойиллари тарафдори эканини тасдиқлайди. Партия ўз фаолиятида ва бўлажак сайловларда юқори малакали мутахассис ва ишчилар, илм-фан, таълим ва муҳандис-техник зиёлилар вакиллари, педагоглар, шифокорлар, мухтасар айтганда, Ўзбекистонни кучли, обрўли, ўзини ўзи таъминлай оладиган давлат сифатида кўришни, миллатлараро тотувлик ва ижтимоий адолат ҳукм сурадиган жамиятда яшашни истайдиганларнинг ёрдамига таянади ва ишонади.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси сайловолди дастурида ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти, демократик ҳуқуқий давлат, кучли фуқаролик жамиятини барпо этиш, маънавий жиплашган жамиятни шакллантириш жараёнларида ўз ролини кучайтиришни мақсад қилиб қўйган. Бу борада партия Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов томонидан баён этилган мамлакатимиз ривожланишининг асосий тамойилларига — "иқтисодиётнинг сиёсатдан устунлиги, давлатнинг бош ислоҳотчи вазифасини ўз зиммасига олиши, қонун устуворлигини таъминлаш, кучли ижтимоий сиёсат олиб бориш, ислоҳотларни босқичма-босқич ва изчил амалга оширишни таъминлашдан иборат бўлган, ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиёти"га таянади.

Партия ушбу асосий тамойилларни миллий ўзига хослик ҳисобга олинган ҳолда асосий шиори Эркинлик, Адолатлилик, Бирдамлик бўлган жаҳон социал-демократик ҳаракатининг энг муҳим қадриятлари билан ҳамоҳанг, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси бундан буён ҳам ижтимоий адолат, қонун устуворлигига асосланган, барча фуқаролар қонун олдида тенг бўлган ва ўз конституциявий ҳуқуқ ҳамда эркинликларини бемалол амалга ошира оладиган ҳуқуқий давлатни барпо этиш ғоясини илгари суришда давом этади.

— Маълумки, "Адолат" партияси ўз фаолиятида инсон ҳуқуқлари устуворлиги тамойилига, яъни "инсон манфаатлари — олий қадрият" деган тушунчага амал қилади. Партиянинг сайловолди платформасида ушбу масалалар қай тарзда ифодаланган?

— Партиямиз ўзининг сайловолди дастурида, аввало, келгусида ҳам бошқарувда ошкоралик, очиқлик ва ҳисобдорлик тамойилларини таъминлаш зарурлигини илгари суради. Шу муносабат билан партия ушбу принципларни таъминлашга қаратилган муайян давлат дастурларини, жумладан, фуқаролар ҳамда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўртасида ахборот алмашинувини жадаллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ривожланишга оид муҳим масалалар ечимига оид қарорлар қабул қилиш, мазкур қарорларнинг бажарилиши юзасидан жамоатчилик назоратини амалга оширишни таклиф этади.

Иккинчидан, партия мамлакатимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, суд ҳокимияти мустақиллигини янада мустаҳкамлашнинг амалий шакл ва услубларини ишлаб чиқиш, фуқаролар ҳуқуқ ва эркинликларини судда ҳимоя қилиш самарадорлигини оширишга фаол кўмаклашишни мақсад қилган.

Адвокатура ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш ҳам суд-ҳуқуқ соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муҳим таркибий қисмларидан бири ҳисобланади. Бу борада ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари, хусусан, ички ишлар органлари фаолиятининг қонуний асосларини янада мустаҳкамлаш, судлов ишларининг холис ва адолатлилигини рағбатлантириш, адвокатура институтининг ҳуқуқ ва ваколатларини кенгайтириш бўйича янги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси депутатлар корпуси фаол иштирок этади.

Учинчидан, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга оид ислоҳотларни ривожлантиришни келгусида ҳам қўллаб-қувватлаш учун қуйидаги вазифаларни ўз олдига мақсад қилиб қўймоқда:

— мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик социал-иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни чуқурлаштириш бўйича кенг кўламли ишларни оммавий ахборот воситаларида кенг тарғиб қилишни ташкил этиш;

— халқаро ташкилотлар, энг аввало, БМТ тизимидаги муассасаларнинг инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга бағишланган халқаро тадбирларида Ўзбекистон вакилларининг фаол иштироки бўйича яқин ҳамкорликни таъминлаш;

— журналист кадрларни тайёрлайдиган ва қайта тайёрлайдиган олий таълим муассасалари ўқув режаларига инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда оммавий ахборот воситаларининг иштирокига оид мамлакатимиз ҳамда халқаро тажрибани ўрганишни кўзда тутувчи махсус ўқув дастурларини киритиш лозим.

Тўртинчидан, партиямиз ижтимоий ривожланиш дастурларини кенг жамоатчилик текширувидан ўтказиш, биринчи навбатда, туман ва шаҳар миқёсида жамоатчилик назоратини кучайтиришга доир чора-тадбирларни амалга оширишни асосий вазифаларидан бири, деб билади. Бу борада Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ўзининг ижтимоий ҳамкорлари — касаба уюшмалари ва бошқа жамоат бирлашмаларига таянган ҳолда, нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятини такомиллаштириш, ҳомийлик ва хайр-саховатни кенг йўлга қўйиш учун янада қулай шарт-шароит яратиш бўйича саъй-ҳаракатларни бирлаштиришни режалаштирмоқда.

Бешинчидан, Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлаш вазифаси давлат, бизнес тузилмалари ва фуқаролик жамияти институтлари — жамоат бирлашмалари, сиёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва бошқалар саъй-ҳаракатини бирлаштиришни талаб қилади. Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси барча вакилларининг мамлакатимиз келажаги, аҳолининг маънавий ва моддий фаровонлиги йўлида биргаликдаги жавобгарлигини шакллантириш учун асосий таркибий қисми "маҳалла" ҳисобланган ўзини ўзи бошқариш органлари тизимини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш тарафдори. Зеро, маҳалла — фуқаролик жамияти сари элтувчи йўлдир.

Яна шуни таъкидлашни истардимки, "Бирдамлик" ижтимоий демократия шиорларидан бири ҳисобланади. Мамлакатимиз — азалдан ўзининг миллий, маданий ва диний анъаналарига эга турли миллатлар ёнма-ён яшаб келаётган минтақадир. Мақсадимиз, уларнинг ўзига хослигини сақлаш ва ривожлантиришдан иборат. Шу боис биз бағрикенглик асосида қарор топган миллатлараро ва динлараро муносабатларни бундан кейин ҳам асраб-авайлаш, уларнинг уйғун равишда ривожланишига кўмаклашиш ниятидамиз.

— Сиз ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига эга кучли ва адолатли фуқаролик жамиятини қуришда партия ўз ролини кучайтириши лозим, дедингиз. Бу ҳақда батафсил сўзлаб берсангиз.

— Партиямиз иқтисодиётни ривожлантиришдан аҳоли турмуш даражаси ва сифатини ошириш вазифасини ўз олдига мақсад қилиб қўяр экан, тегишли соҳадаги ўз фаолиятини иқтисодий ўсиш натижаларини аҳолининг турли ижтимоий гуруҳлари ва қатламларининг турмуш сифати ва даражасини оширишга адолатли йўналтирадиган бозор иқтисодиётининг ижтимоий йўналишини чуқурлаштиришга қаратади.

Партия давлатимиз томонидан аҳоли даромадини изчиллик билан кўпайтириш бўйича амалга оширилаётган сиёсатни қўллаб-қувватлайди. Биз ушбу сиёсатни иқтисодий ўсишнинг тўловга лаёқатлилик талабини ошириш, ишчи-хизматчилар ва уларнинг оиласи муносиб ҳаёт кечириши учун етарли бўлган серунум ва самарали меҳнатни рағбатлантиришга қаратилган асосий саъй-ҳаракатлардан бири сифатида қабул қиламиз. Инсон капитали мамлакатимизнинг муҳим миллий бойлиги ҳисобланади ва партия уни ҳар томонлама кўпайтириш ҳамда ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар ташаббусини илгари суради ва уларни қўллаб-қувватлайди.

Шу мақсадда биз ўрта ва узоқ муддатли истиқболга мўлжалланган умумдавлат индикатив иқтисодий дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, яъни ижтимоий йўналтирилган иқтисодий лойиҳа ва дастурларнинг давлат томонидан қўллаб-қувватланиши тарафдоримиз.

Партия Ўзбекистонда инновация туридаги иқтисодиётни ташкил этиш муҳим вазифа, деб ҳисоблайди. Уни ривожлантириш мамлакатимизнинг илмий, илмий-техник салоҳиятини янада тўлиқ рўёбга чиқариш имконини беради. Партия иқтисодиётни таркибий қайта қуриш, уни модернизация қилиш, ишлаб чиқаришни техник ва технологик қайта жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратади. Иқтисодиёт энг замонавий илм-фан ва техника ютуқларига, иқтисодий жараёнларни самарали бошқариш, илғор инновацион фикрлашни тарбиялайдиган таълим тизимига таяниши даркор.

Бу борада "миллий инновация тизими"ни (МИТ) ишлаб чиқиш ва амалда рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратамиз. Негаки, бу яқин истиқболда ғоялар, ихтироларни реал амалиётга тез татбиқ этиш қобилиятига асосланган инновацион иқтисодиётга ўтиш учун муҳим омилга айланади.

Энергия ҳажмини камайтириш, қатъий тежаш тартиби, ишлаб чиқариш харажатлари ва маҳсулот таннархини камайтириш, қайта тикланадиган ноанъанавий энергия манбаларидан фойдаланишни асослаш механизмларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва татбиқ этиш масалалари ҳам партиямиз диққат марказида бўлади. Партия энергиянинг мавжуд барча муқобил турларини комплекс равишда ривожлантириш орқали рақобатли энергетика бозорини ташкил этишни рағбатлантиришга алоҳида эътибор қаратади.

Партия бу борада қуйидагиларни муҳим вазифа деб ҳисоблайди:

— айниқса, қишлоқларда янги ижтимоий объектлар – қишлоқ врачлик пунктлари, болалар боғчалари ва яслилари, мактаблар, болалар спорти, телекоммуникация ва почта алоқаси объектларини қуришда қайта тикланадиган энергия манбаларидан фойдаланган ҳолда, энергия тежайдиган инновация тизимларини жорий этиш;

— замонавий телекоммуникация технологияларини фаол жорий этиш, маҳаллий телефон алоқанинг рақамли тармоқларини ривожлантириш, Интернет тармоғидан умумий фойдаланиш пунктлари сонини кўпайтириш;

— илмталаб маҳсулотлар ва илғор илмий-технологик ишланмалар экспортини кенгайтириш орқали миллий иқтисодиётимизнинг жаҳон тизимига интеграциялашувини кучайтириш.

Партия иқтисодиётда давлат иштирокини қўллаб-қувватлаган ҳолда, вазирлик ва идоралар фаолияти сифатини узлуксиз ошириш, расмиятчилик унсурларини бартараф этиш, қабул қилинаётган қарорларни чуқур ва ҳар томонлама қайта ишлаш тарафдори. Бошқарув услублари бугунги кун талабларига мос келиши даркор.

Қишлоқ хўжалигини бозор иқтисодиёти асосида модернизация қилиш, уни инновацион-техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш, қишлоқда инфратузилмани янада ривожлантириш ва аҳоли турмуш даражасини ошириш ҳам партиянинг устувор вазифаларидан ҳисобланади. Қишлоқ хўжалигида амалга оширилаётган бозор ислоҳотлари самарадорлиги ва қишлоқ меҳнаткашларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоя қилишда мувозанатни таъминлаш, қишлоқда меҳнат муносабатларини ҳуқуқий ҳимоялашни янада кучайтириш, аграр сектор мутахассислари малакасини ошириш тизимини ривожлантириш, қишлоқ ҳудудларини ижтимоий ободонлаштириш, йўл қурилишини ривожлантириш, мавжуд ижтимоий объектларни модернизация қилиш ҳамда янгиларини қуриш, қишлоқда замонавий ва шинам уй-жойларни барпо этиш ниҳоятда муҳим вазифадир.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси уй-жой-коммунал комплекси фаолиятини янада яхшилаш, аҳолини сифатли хизматлар билан таъминлаш тарафдори. Бу борада аҳолига кўрсатилаётган хизматларнинг оптимал тариф ва қийматларини қўллаб-қувватлайдиган маъмурий ҳамда бошқа чоратадбирларни кўзда тутувчи қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш, уй-коммунал соҳасига йўналтирилаётган маблағларнинг самарали ва оқилона сарфланиши устидан депутатлар ҳамда жамоатчилик назоратини ўрнатиш ҳам бизнинг муҳим вазифамиздир.

— Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ўз дастурий мақсадларида ҳар доим кучли ижтимоий йўналиши билан ажралиб турган. Бу борада партиянинг нуқтаи назари ҳақида нима дейсиз?

— Ҳақиқатан ҳам, ижтимоий йўналиш партия сайловолди платформасининг катта қисмини ташкил қилади. Бу муҳим бўлимларнинг номланиши ҳам бизнинг мақсад ва вазифаларимизни ифода этиб турибди.

Аввало, партиямиз Ўзбекистонда амалга оширилаётган "Ислоҳот ислоҳот учун эмас, авваламбор, инсон учун" тамойилига риоя қилган ҳолда, келгусида ҳам кучли ижтимоий сиёсатни қўллаб-қувватлаш орқали давлат ижтимоий дастурларини бажаришда фаол иштирок этади. Аҳолини ўта бой ва ўта камбағалларга ажралишига йўл қўймаслик, аҳоли турмуш сифати кўрсаткичларини янада яхшилашга қаратилган аниқ саъй-ҳаракатларни амалга ошириш бундан кейин ҳам партиянинг асосий вазифаси бўлиб қолади. Биз ўзимизни ижтимоий адолат тамойили ва кенг кўламли ижтимоий дастурларнинг амалга оширилишини таъминлайдиган кучли давлатнинг анъанавий социал-демократик ғояларини қўллаб-қувватлашга қодир куч, деб биламиз.

Айни пайтда ижтимоий-иқтисодий масалаларни фақат давлат ҳокимияти органларининг самарали хатти-ҳаракатлари билан ҳал этиб бўлмайди. Шу сабабли партия меҳнаткашлар ва иш берувчилар ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатларини мустаҳкамлаш, мулкчилик шаклидан қатъи назар, корхоналарда ишчиларнинг меҳнат шароитларини яхшилаш, бизнес-тузилмаларнинг ижтимоий масъулиятини янада ошириш ва бу борада қонунчилик базасини такомиллаштиришни муҳим вазифа, деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси олий таълим тизимини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш тарафдори, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасида фуқароларнинг ишга жойлашиши, билим олиши ва малакасини оширишга қаратилган қонунларни қабул қилиш ташаббуси билан чиқади ва уларни қўллаб-қувватлайди. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига асосланган мамлакатимиз таълим тизимининг энг яхши анъаналарини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш, касб-ҳунар таълимининг меҳнат бозори билан алоқасини янада мустаҳкамлаш, мутахассисларни мақсадли тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, илм-фан ва таълимга инвестицияларни, шунингдек, янги технологияларни жалб қилиш партиямизнинг ушбу соҳадаги энг устувор вазифаларига киради.

Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг 17 йиллигига бағишланган тантанали мажлисда қилган маърузасида 2010 йилни "Баркамол авлод йили" деб эълон қилар экан, шундай деб таъкидладилар: *"Ҳаммамизга теран бир ҳақиқат аён бўлиши керак — биз юртимизнинг эртанги ривожи йўлида қандай чуқур ўйланган дастурларни тузмайлик, бу режаларни бажариш учун қандай моддий база ва имкониятларни яратмайлик, бунинг учун қанча кўп сармоя сафарбар этмайлик, уларнинг барчасини амалга оширадиган, рўёбга чиқарадиган қудратли бир омил борки, у ҳам бўлса, юқори малакали иш кучи ва юртимизнинг эртанги куни, тараққиёти учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган етук мутахассис ёшларимиз, десак, ўйлайманки, ҳеч қандай хато бўлмайди".*

Ва ниҳоят, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси экологик муаммоларни ҳал этишда ўз саъй-ҳаракатларини, биринчи навбатда, ушбу муаммоларнинг иқтисодий жиҳатларига қаратади. Барча экологик муаммоларни ва у билан боғлиқ фуқаролар саломатлигини ҳимоя қилиш масалаларини фақат Давлат бюджетига юклаш тўғри бўлмайди. Биз "Экологияни ифлослантирувчи — кўп пул тўлаши лозим", деган принцип тарафдоримиз. Шу боис Ўзбекистон Экологик ҳаракати билан нафақат умуммиллий миқёсда, балки муайян ҳудуд шароитларида атроф-муҳит ифлосланиши, аҳоли саломатлигини ҳимоя қилиш билан боғлиқ қонунчиликдаги камчиликларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича яқиндан ҳамкорлик қиламиз.

Хулоса қилиб шуни таъкидлашни истардимки, ҳурматли сайловчилар, Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси номзодлари учун овоз берар экансиз, демак, энг тўғри йўлни танлабсиз! Биз "Куч — адолатда" эканлигига ишонамиз ва табиийки, ҳар биримиз адолат тарафдоримиз!

O'ZBEKISTON "MILLIY TIKLANISH" DEMOKRATIK PARTIYASI

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси Марказий Кенгаши Ижроия Қўмитаси раиси Ахтам ТУРСУНОВ билан суҳбат

ВАТАН ТУЙҒУСИ ҲАР НАРСАДАН УСТУН

— Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси ҳокимиятнинг қонун чиқарувчи ва вакиллик органларига сайловларда иштирок этмоқда. Партия сайловчилар ҳузурига қандай мақсад ва ғоялар билан бормоқда? Партия сайловлардан кейин амалга оширадиган ҳаракат дастури қандай масалаларни ўз ичига қамраб олган?

— Аввало, Ўзбекистон мустақил тараққиёт йилларида сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, маънавий соҳаларда бутун дунё тан олган салмоқли ютуқларни қўлга киритди ва халқаро майдонда юксак обрў-эътиборга эришди. Ўзбекистон ҳуқуқий демократик давлат қурилиши ва кучли фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлида салмоқли қадамлар ташлади. Мамлакатимизда демократик жараёнлар босқичма-босқич ва изчил ривожланиб бормоқда ҳамда одамлар онгида демократик қадриятлар янада кўпроқ қарор топмоқда. Жамият ҳаётида сиёсий партияларнинг ўрни ва роли кучайиб, мамлакатимизда содир бўлаётган демократик янгиланишлар жараёнига уларнинг таъсири ортиб бормоқда.

Мамлакатимиз раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган жамиятни янгилаш ва туб ўзгаришлар жараёнида фаол иштирок этишга ҳаракат қилмоқдамиз. Бунда биз миллий манфаатларни ҳимоя қилиш, маънавий қадриятларни, миллий урф-одатлар ва анъаналарни, бой тарихий меросимизни асраш ва уни замон руҳи билан бойитиш ҳамда миллий ғояни кенг тарғиб қилиб, уни аҳоли онгига сингдиришни асосий вазифа сифатида белгилаганмиз. Шунингдек, ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамиятини қуриш ҳамда фуқароларимизни Ватан тараққиётига йўналтирилган бунёдкорлик ишларига сафарбар қилиш ҳам асосий вазифаларимиз сирасига киради.

Бу учун партия ўз сафига барқарор ва уйғун миллий ривожланиш ғояларига садоқатли ижодкор зиёлиларни, маориф, маданият соҳаси ходимларини, жамиятнинг бошқа қатламларини, энг аввало, миллий ғояга, миллий маънавий ва умуминсоний қадриятларга содиқ, Ватанимизнинг миллий манфаатларини ҳимоя қиладиган, халқимизнинг ўтмишидан фахрланадиган ва унинг буюк келажагига ишонадиган, мамлакатимизда ҳаётнинг энг илғор давлатлари қаторидан муносиб ўрин эгаллашида фаол иштирок этадиган, шунингдек, партиянинг дастурий мақсад ва вазифаларини қўллаб-қувватлайдиган ватанпарварларни бирлаштиришга ҳаракат қилмоқда.

Сайловолди платформасида кўзда тутилган мақсадларимизни эълон қилар эканмиз, унда акс этган масалалар босқичма-босқич ҳал этилаётганлигини таъкидлаб, бу масала ва муаммоларнинг ечимини топишга жўшқин руҳ бағишлаш, Ватанимиз тараққиёти йўлида муқобил лойиҳаларни илгари суриш ҳамда партиянинг ваколати ва имкониятлари даражасида барча соғлом кучлар билан ҳамкорлик қилишга тайёр эканлигимизни билдирамиз.

— Партия сиёсий соҳада ўзи учун қандай етакчи вазифаларни белгилаган?

— Партиянинг бу соҳадаги вазифалари Ўзбекистоннинг мустақилликка эришилган кундан эътиборан амалга ошириб келинаётган, миллий маънавий қадриятларга асосланган демократик суверен ривожланиш ва мамлакатни тизимли модернизация қилиш йўли фуқароларнинг туб манфаатларига хизмат қилишига комил ишонч руҳидан келиб чиққан. Партиямиз мустақиллик йилларида бошланган давлат суверенитетини мустаҳкамлаш, миллий-маънавий қадриятларни тиклаш, ўзликни чуқур англаб етиш, миллий мустақиллик ғоясини ривожлантириш каби улуғвор ишларни изчил, босқичма-босқич ва тизимли давом эттиришга қаратилган ҳаракатларни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтаришга кўмаклашишни ўзининг асосий вазифалари сифатида белгиламоқда. Миллий тикланиш демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш жараёнининг ажралмас қисми эканлигидан келиб чиққан ҳолда ислоҳотларнинг ўзимизга хос ва ўзимизга мос модели ва миллий тажрибамиз асосида одамлар онгида демократик қадриятларни қарор топтириш ва ҳуқуқий-сиёсий маданиятни оширишда фаол иштирок этамиз.

Партиямиз давлат ҳокимияти ва бошқарув органларини юксак маънавиятли, профессионал фазилатларга эга, мамлакат ва халқ тақдири учун масъуллик туйғусини ҳис этадиган, онгли, ватанпарвар кадрлар билан таъминлаш тизимини ривожлантиришни фаол қўллаб-қувватлайди.

Давлат органларининг жамият, энг аввало, таълим, фан, маданият ва шу каби бошқа соҳалардаги фаолияти устидан жамоат назорати тизимини такомиллаштириш муҳим аҳамиятга эга. Халқимизга хос миллий-маънавий анъаналар ва қадриятларнинг ифодаси бўлган фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллалар, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа демократик институтларини янада ривожлантириш ва уларнинг ҳуқуқий мақомини ошириш ҳам долзарб масала ҳисобланади.

Бизнинг бутун фаолиятимиз аҳолининг, айниқса, ёшлар ва аёлларнинг ижтимоий фаоллигини оширишга қаратилган.

— Демак платформанинг сиёсий қисми "демократлаштириш ва маънавий ривожланиш — бир-биридан ажралмас" деган ғоя билан суғорилган. Шундан келиб чиққан ҳолда, партиянинг маънавият соҳасида асосий вазифалари нималардан иборат?

— Ҳақиқатан ҳам Президентимизнинг мамлакатимизнинг келажаги буюклиги ва бугунги кунда эришган улуғвор натижалари, халқимизнинг буюк ишларга қодирлиги унинг интеллектуал салоҳияти, халқимизнинг маданий ва маънавий меросининг чуқур илдизларга эга эканлигига асосланиши ҳақидаги фикрларини биз тўла қўллаб-қувватлаймиз. Шу боис биз ўз платформамизда давлатимиз раҳбарининг "Юксак маънавият — енгилмас куч" деган ғояларига суянамиз. Биз миллий анъаналар ва қадриятлар, мамлакатни модернизация қилиш ва демократик ҳуқуқий давлат қуришга XXI асрда миллий тикланишнинг ҳаракатлантирувчи кучлари сифатида қараймиз.

Платформамизда халқимизнинг маънавий-миллий қадриятларини ва илмий тарихий меросини чуқур ўрганиш, шунингдек, уларни улғайиб келаётган авлод ўртасида кенг тарғиб қилиш, ёшларда миллий тарих ва халқ анъаналарига нисбатан чуқур ҳурмат туйғусини уйғотиш каби масалаларни бевосита вазифа сифатида қўймоқдамиз. Юксак маънавиятли, масъулиятни ўз бўйнига оладиган комил инсонни тарбиялашга ҳар томонлама кўмаклашамиз. Бу, айниқса, мамлакатимизда кенг миқёсда олиб борилаётган ёшлар сиёсатига ҳам тааллуқлидир. Бу жараёнда партия ўз ўрнини ёш авлодни ватанпарварлик, миллий ғояга содиқлик ҳамда маънавий-тарихий, миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида ва ўтмиш меросимизнинг ҳақиқий билимдони, замонавий билимлар эгаси қилиб тарбиялашда кўради.

Партия халқ таълимини ривожлантириш соҳасида кадрлар тайёрлаш устувор принцип эканлигига амал қилади. Бунда партия ал-Беруний, ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, ал-Фарғоний ва жаҳон цивилизациясига улкан ҳисса қўшган бошқа буюк бобокалонларимизнинг илм-фанга бўлган чанқоқлиги, фидойилиги мисолида фан ривожланиши эҳтиёжларига, шунингдек, мамлакат тараққиёти ва янгиланишининг стратегик вазифаларига асосланади. Ўзбекистоннинг интеллектуал салоҳияти — мамлакатнинг миллий бойлиги, ўзига тўқлиги ҳамда мустақиллигимизнинг муҳим омили, деб ҳисоблаймиз. Фаннинг ривожланиши мамлакат тараққиётини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири эканлигини ҳисобга олган ҳолда, партия фан соҳасини ривожлантириш ва Ўзбекистоннинг илмий зиёлиларини бундан буён ҳам қўллаб-қувватлаш масалаларини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилиши ва қабул қилинишига эришишга ҳаракат қилади. Истеъдодли ва ижодкор олимларни моддий ҳамда маънавий қўллаб-қувватлашнинг ҳуқуқий ва амалий механизмларини такомиллаштиришга ҳисса қўшади. Фундаментал фан соҳасида миллий илмий мактабларни халқаро даражага олиб чиқа оладиган янги ишланмалари ривожлантиришга кўмаклашиш — партиянинг муҳим вазифасидир. Президентимизнинг Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 17 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги маърузасида таъкидланганидек, истеъдодли ва қобилиятли ёшларни аниқлаш ва қўллаб-қувватлаш тизимини янада ривожлантириш зарур. Президентимизнинг "Бугунги кунда фарзандларимизнинг маънавий оламини юксалтириш, уларни миллий ва умуминсоний қадриятлар руҳида тарбиялаш масаласи биз учун энг долзарб вазифа бўлиб қолмоқда. Айниқса, ҳозирги мураккаб ва таҳликали замонда миллий ўзлигимиз, азалий қадриятларимизга ёт ва бегона бўлган турли хил хуружлар, ёшларимизнинг онги ва қалбини эгаллашга қаратилган ғаразли интилишлар тобора кучайиб бораётгани барчамизни янада хушёр ва огоҳ бўлишга даъват этиши табиийдир", деган фикрлари биз учун ниҳоятда муҳимдир.

Биз оила институти ва унинг қадриятларини мустаҳкамлаш бўйича аниқ мақсадларга йўналтирилган иш олиб боришни давом эттириб, "Юксак маънавиятли оила орқали юксак тараққиёт сари" деган ғояга асосланган ижтимоий-маънавий лойиҳа яратиш ва уни амалга оширишни кўзламоқдамиз.

Миллий тикланиш ғояси маданият, санъат, театрлар, музейлар, газета ва журналларни давлат томонидан қўллаб-қувватланишини ривожлантириш ҳамда тарихий-маданий ёдгорликларни кўз қорачиғидек асраш, халқ ҳунармандчилигига хос бўлган "устоз-шогирд" анъанавий мураббийлик институтини сақлаган ҳолда бу соҳани янада ривожлантириш учун шароитлар яратилиши билан чамбарчас боғлиқ.

Партия мамлакатимизда оммавий ахборот воситаларининг ҳақиқий мустақиллиги ва фаолиятини таъминлашга қаратилган тизимли чора-тадбирларни тўлалигича қўллаб-қувватлайди. Биз оммавий ахборот воситаларининг мамлакат миллий манфаатларини ҳар томонлама илгари суриш ва Ўзбекистон халқининг ноёб маданий ва маънавий қадриятларини тарғиб қилишдаги ролини кучайтириш тарафдоримиз. Бунда партия журналист кадрлар тайёрлаш, миллий журналистика мактабини ривожлантириш, ахборот маконида соғлом рақобат, давлат ва шахснинг ахборот хавфсизлигини таъминлаш, фан ва техниканинг энг янги ютуқлари асосида ОАВ моддий-техника базасини мустаҳкамлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратади.

Ўзбекистон "Миллий тикланиш" демократик партияси маънавий-маданий соҳадаги ўзининг асосий вазифаси деб мустақил фикрловчи юксак маънавиятли авлодни шакллантириш ҳамда "Халқ манфаатлари ва Ватан туйғуси — ҳар нарсадан устун", деган ғояни ҳаётга татбиқ этишдан иборат, деб билади.

— Партия платформасида ҳуқуқ нормалари ва маънавий-ахлоқий қонунлар бири-биридан ажралмасдир, деган ғоя илгари сурилган. Партия бу ғояни қандай амалга оширмоқчи?

— Партия инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш шахснинг фаровонлиги ва хавфсизлигини таъминлашга интилаётган демократик ҳуқуқий давлатнинг асосий мақсади ва энг муҳим воситаси деб ҳисоблайди. Биз инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишга маданий тарихий анъаналарни тиклаш, халқ таълими ва ватанпарварлик тафаккурини тарбиялаш нуқтаи назаридан қараймиз.

Платформамизда етказилган моддий зиён ўрнини қоплаш, кексаларга, хотин-қизлар, болалар ва ўсмирларга нисбатан меҳр-мурувват кўрсатиш каби жазонинг мукобил чораларини борган сари кўпроқ қўллаш йўналишида суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш жараёнлари давом эттирилишига кўмаклашиш ҳаракат қилади. Иноят судлов ишларини юритишда миллий-маънавий анъаналарга мос келадиган ярашув институтини янада такомиллаштириш, кафилликка олиш институтининг, хусусан, ижтимоий хавфли бўлмаган жиноят ишлари бўйича кафилликка олиш институтининг янада кенгроқ қўлланилиши, фуқаролик-ҳуқуқий низоларнинг суддан ташқари тартибда ҳал этилиши, айниқса, жамиятнинг асосий маънавий пойдеворларидан бири бўлган оилани сақлаб қолиш мақсадида янада ривожлантириш зарур.

— Миллий тикланиш миллий иқтисодиётни ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари билан чамбарчас боғлиқ. Партия бу соҳада ўзи учун қандай етакчи вазифаларни белгилади?

— Дарҳақиқат, "Бизнинг бош мақсадимиз миллий иқтисодиётни ҳар томонлама ривожлантириш"дир. Ушбу соҳада партия сиёсатининг стратегик мақсади аҳоли турмуш даражасини реал ва жиддий оширишнинг асосий омили сифатида иқтисодий суверенитетни, иқтисодий хавфсизликни мустаҳкамлашдан иборатдир. Бунда партия мамлакат раҳбарияти миллий иқтисодиёт соҳасида пухта ўйланган сиёсатни амалга ошираётганлигини алоҳида таъкидлаб, миллий иқтисодиётимиз улкан салоҳиятга эга эканлигидан келиб чиқади ҳамда ушбу салоҳият қўйидагиларни амалга ошириш орқали рўёбга чиқарилиши мумкин, деб ҳисоблайди:

— халқаро меҳнат тақсимотида Ўзбекистоннинг рақобат борасидаги афзалликларига асосланган ҳолда, мамлакатнинг хўжалик комплексини диверсификация қилишни бундан буён ҳам давом эттириш;

— миллий ишлаб чиқарувчиларни қўшимча равишда рағбатлантириш асосида хориждан келтирилаётган маҳсулотларни маҳаллийлаштириш ва импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар ишлаб чиқаришни кенгайтириш;

— маҳаллий ишлаб чиқарувчиларни самарали қўллаб-қувватлаш сиёсатини ўтказиш;

— Ўзбекистон манфаатлари йўлида амалга оширилаётган кучайиб борувчи ташқи иқтисодий стратегияни рўёбга чиқариш.

Партия миллий бозорни ҳар томонлама ҳимоя қилиш зарур, деб ҳисоблайди. Айниқса, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар ва мамлакат инвесторларининг манфаатларини ҳимоя қилиш, миллий ҳунармандчиликнинг барча турларини, сервис соҳасини ва туризмни ривожлантиришга етакчи вазифа сифатида қарайди.

Партиянинг бош мақсади — истеъмол товарлари ва хизмат соҳасида миллий брендлар юзага келишига кўмаклашиш, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган товарларни жаҳон бозорларига олиб чикиш, халқаро майдонга "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" брендини олиб кириш юзасидан аниқ мақсадга қаратилган чоралар кўришдир.

Бу вазифаларни амалга оширишда партия ташқи иқтисодий фаолият юритишда миллий манфаатларни ҳимоя қилиш учун иқтисодиёт ва бошқарув соҳасида юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришга ҳар томонлама кўмаклашади.

Бунда партия:

— Ўзбекистон табиатига, бой табиий ресурсларини асраб-авайлаш, улардан ҳозирги ва келгуси авлодлар манфаатлари йўлида оқилона фойдаланишни таъминлаш;

— экологик хавфсизликни, айниқса, миллатнинг соғлиғи ва генофондини ҳимоя қилиш мақсадларида, хусусан, Оролбўйида, шунингдек, эк

МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ТИМСОЛИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мамлакатимиз ўз олдига улкан мақсадларни қўйгани мустақилликнинг илк кунлариданоқ қабул қилинган давлат рамзларида ҳам ёрқин ифодасини топган. Жумладан, 1992 йилнинг 10 декабрида ҳаётга татбиқ этилган «Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида»ги Қонуннинг 2-моддасида: "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзидир. Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳиясига зўр эҳтиром билан қараш Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг ватанпарварлик бурчидир", дея қайд этилган. Дарҳақиқат, ушбу муқаддас қўшиқ бизнинг буюк тарихимиз, серқуёш Ватанимиз, бағрикенг халқимиз, ғуруримиз, шону шавкатимиз, истиқлолимиз, орзу-истакларимиз тараннуми сифатида қалбимизнинг энг тўридан мустаҳкам жой эгаллаган.

Серқуёш ҳур ўлкам,
элга бахт, нажот,
Сен ўзинг дўстларга
йўлдош, меҳрибон!
Яшнагай то абад
илму фан, ижод,
Шуҳратинг порласин
токи бор жаҳон!..

Мана, ўн етти йилдирки, шу сўзлар билан бошланувчи мадҳиямиз садоси остида ҳар бир янги кунни яхши ниятлар билан қарши оламиз. Бу руҳимизга руҳ, кучимизга куч бағишлаб, бизни навбатдаги марралар сари дадил интилишга, бунёдкор ва эзгу ғояларга йўлдош бўлишга, юртимиз равнақи учун муносиб ҳисса қўшишга ундайди. Жамиятда юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, униб-ўсиб келаётган авлодни миллий анъаналаримиз, умуминсоний қадриятларга ҳурмат-эҳтиром, она-Ватанга муҳаббат, садоқат руҳидодлари руҳи қўллаб-қувватлаб туради. Эркин, ёш авлодлари эса унинг зўр қанотларидир. Ушбу қанотлар юртнинг эртанги тақдирини белгилайди, порлоқ шуҳратини давом эттиради.

Президентимиз турли давлатларга расмий ташриф буюрганида, нуфузли халқаро ташкилотлар минбарига кўтарилганида, мамлакатимизга келган олий мартабали меҳмонларни кутиб олиш чоғида, юртимиз вакиллари иштирок этаётган халқаро миқёсдаги тадбирлар ва спорт мусобақаларида мадҳиямиз садолари янграб, қалбимизни алоҳида фахр-ифтихорга тўлдиради.

Бугун Ўзбекистон ўз олдига қўйган улкан мақсадлар сари олға интилмоқда. Юртимиздаги тинчлик ва хотиржамлик, осойишталик одамларимизни бунёдкорлик, яратувчанлик каби эзгу амалларга ундамоқда. Мурғак қалбларда ҳам она-Ватанни шарафлашдек беғубор ниятлар мужассам. Ушбу йўлда давлатимиз мадҳияси халқимизга руҳий мадад бўлиб, ғуруримиз, озод ҳаётимиз, келажагимизга бўлган ишончимиз тимсоли сифатида асрлар давомида жаранг сочиб тураверади.

Шавкат ОРТИҚОВ.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ва БМТ Тараққиёт дастурининг "Ўзбекистонда аёлларнинг имкониятларини кенгайтириш учун ҳуқуқий ва ташкилий салоҳиятини ривожлантириш" қўшма лойиҳаси доирасида анжуман бўлиб ўтди.

ХОТИН-ҚИЗЛАР ВА ҲУҚУҚ

Анжуман

"Хотин-қизлар ҳуқуқлари камситилишининг барча шаклларига барҳам бериш тўғрисида"ги Конвенциянинг 30 йиллигига бағишлаб ташкил этилган ушбу тадбирда мамлакатимизда аёллар ҳуқуқ ва эркинликлари, уларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча жабҳаларидаги иштироки ҳақида тўхталиб ўтилди. Шунингдек, тадбирда Конвенцияда қайд этилган аёллар ҳуқуқлари қоидаларини давлат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари, жамоатчилик орасида кенг тарғиб қилиш, хотин-қизлар манфаатларига тегишли барча соҳаларда амалиётга татбиқ этишдан иборатлиги алоҳида таъкидланди.

Анжуманда тегишли вазирлик ва идоралар, давлат ва нодавлат, халқаро ташкилотлар вакиллари иштирок этишди.

М. ХОЛМАТОВА.

Ўзбекистоннинг Марказий Осиё бирлашган энергетика тизимидан (МО БЭТ) чиқиш тўғрисидаги қарори сўнгги пайтларда хорижий оммавий ахборот воситаларининг энг "қайноқ" мавзуларидан бирига айланиб қолди. Бугунги кунда етакчи телеканаллар, кўп нусхали газеталар, таниқли ахборот сайтлари бу воқеани шарҳлар экан, кўпинча ишончли бўлмаган манбалардан файдаланишаяпти. Бундай мақола ва телекўрсатувларнинг муаллифлари зўр бериб, бу қарор гўё сиёсий мақсадларни кўзлаб қабул қилинганини исботлашга уринмоқдалар.

Энергетика хавфсизлиги:

АМАЛИЙ ҲАРАКАТЛАР ВАҚТИ

Вазият аслида қандай? Ўзбекистоннинг МО БЭТдан чиқиш ҳақидаги қарори мамлакатнинг ташқи сиёсат борасидаги фаолиятига бирор жиҳати билан алоқадорми?

Бу саволга жавоб бериш учун дастлаб Марказий Осиё бирлашган энергетика тизими деб номланган бу тузилма моҳиятига ойдинлик киритиб олиш керак бўлади.

У собиқ Иттифоқ давридаёқ мазкур "салтанат"нинг ҳудудий яхлитлигидан келиб чиққан ҳолда тузилган эди. Бунда Марказий Осиё СССРнинг бир қисми сифатида қаралиб, ўзаро қўшни республикалар чегаралари инобатга олинмаган. Масалан, Тожикистоннинг энерготизими икки қисмдан иборат бўлиб, улар бир-бири билан Ўзбекистон электр тармоқлари орқали бирлашган эди. Сурхондарё вилоятининг айрим ҳудудларига электр энергияси Тожикистонда жойлашган Нурек ГЭСидан етказиб берилса, Тожикистоннинг баъзи районлари Қайроққум, Фарҳод ГЭСлари ва Сирдарё ИЭСи ҳисобидан электр билан таъминланарди. Бундай тизим Иттифоқ тарқаб кетгандан сўнг ҳам ўз фаолиятини давом эттирди. Томонлар ўзаро энергия алмашувини бир-бирларининг харажатларини сальдони нолга тенглаштириш орқали қоплаш ва кўрсатилган хизматлар учун ҳақ талаб қилмаслик асосида тузилган йиллик шартномалар бўйича амалга оширишарди.

Аммо кейинги йилларда вазият ўзгарди. Муштарак энергетика тизимининг барқарор фаолиятини таъминлаш тамойиллари ва иш тартиби бўйича кўрсатмалар Тожикистон энерготизимининг "Барки Точик" ОАХК диспетчерлик бошқаруви томонидан қўпол равишда бузилиши ҳолатлари тез-тез такрорлана бошлади. "Ўзбекэнерго" ДАКнинг бир неча бор огоҳлантиришига қарамасдан, Тожикистон энергетиклари электр қуввати ва энергияси ўтказиш бўйича давлатлар ўртасида келишилган жадвалнинг мунтазам равишда бузилишига йўл қўйишди. Ўзаро шартномалар бўлмаса-да, Ўзбекистондан рухсатсиз электр энергияси олиб қўйилаверди, бу эса бирлашган тизимда йирик ҳалокатларни келтириб чиқарди.

Масалан, жорий йилнинг августида "Барки Точик" ОАХК ходимлари ўзбошимчалик билан Нурек ГЭСини тўйинтирди. Натижада "Ғузор" (Ўзбекистон) ва "Регар" (Тожикистон) подстанциялари оралиғидаги Л-507 юқори вольтли электр симларида ток оқимининг узоқ муддат давомида меъёрдан ошиши, шунингдек, электростанциядаги ҳалокатга қарши қурилманинг ишламаганлиги туфайли Таллимаржон ИЭСида авария юз берди. Уни бартараф этиш учун "Ўзбекэнерго" ДАК жуда катта миқдорда маблағ сарфлади.

9 ноябрь куни яна бир фавқулодда ҳолат юзага келди. Техник сабабларга кўра, Тожикистоннинг жанубий қисми ва Ўзбекистоннинг баъзи ҳудудларини электр энергияси билан таъминловчи Нурек

Долзарб мавзу

ГЭСида "Регар" подстанциясидан "Сурхон" подстанциясига тортилган юқори вольтли магистрал линияга электр энергияси жўнатиш тўхтатиб қўйилди. Оқибатда Л-Наибабат-1 юқори вольтли линияси орқали Афғонистон Ислом Республикасига электр энергияси бериш ҳам тўхтаб қолди. Кейинчалик аниқланишича, ҳалокатга Нурек ГЭСида гидротурбиналар айланиш частотаси ҳар сонияда 41,9 Гц гача пасайиб кетганлиги сабаб бўлган экан. Зеро, белгиланган меъёрга кўра, бу кўрсаткич 45 Гц дан кам бўлмаслиги керак.

Икки томонлама музокаралар олиб борилганидан сўнг "Ўзбекэнерго" ДАК ва "Бари Точик" ОАХК раҳбарияти Нурек ГЭСи фаолиятини изга солиш мақсадида "Ғузор" подстанциясидан "Регар" подстанциясига кучланиш жўнатди. Оқибатда Таллимаржон ИЭСида электрон ҳимоянинг таъсирчанлиги ва юқори частотали токнинг пайдо бўлганлиги боис махсус автоматик қурилма энерготизимнинг Самарқанд ва Бухоро қисмида кучланишни ўчириб қўйди...

Бироқ бу ҳали охири эмас. Шу йилнинг 17 ноябрида гўёки "Регар" подстанциясидаги ҳалокат туфайли Тожикистон томонидан Сурхондарё вилоятига иккита, ҳар бири 220 кВт бўлган линиядан электр энергияси бериш тўхтатилди, оқибатда бу ҳудуд таъминотдан ажралиб қолди.

Буларнинг барчаси Ўзбекистоннинг МО БЭТдан чиқиш ҳақидаги қарори фақат техник сабабларга асосланган бўлиб, у мамлакат энерготизимининг барқарор ва хавфсиз ишлашини таъминлашга қаратилганлигини яққол исботлаб турибди.

— Юзага келган вазиятда Ўзбекистон МО БЭТ имкониятларига умид қилмасдан, республика ҳудудларини электр энергияси билан таъминлашнинг қўшни энерготизимларга боғлиқ бўлмаган яхлит тизимини яратишни лозим топди, — дейди "Ўзбекэнерго" ДАК миллий диспетчерлик маркази бошлиғи Эсо Садуллаев. — Вазифанинг муҳимлиги инобатга олиниб, Фарғона водийси ва Сурхондарё энерготугунини мустақил равишда электр энергияси билан таъминлаш бўйича зарур чоралар кўрилди. Янги ишга туширилган электр тақсимлаш ускунаси республиканинг бошқа ҳудудларини ҳам бевосита Ўзбекистон энерготизимидан ишончли равишда таъминлаш ва қўшни энерготизимлардаги ҳалокатлар чоғида узилиш ҳолатларининг олдини олиш имконини берди.

Шу билан бирга, бундан кейин қўшни энерготизимлар билан бўладиган ўзаро муносабатларни халқаро амалиётда қўлланилаётгани каби тижорат асосида йўлга қўйиш таклиф этилди. Унда мазкур масаланинг барча техник ва тижорат жиҳатлари ҳал этилган энерготизимлар билан параллел ишлашни қайтадан тиклаш кўзда тутилганди.

Шуни таъкидлаш жоизки, эришилган келишувга мувофиқ, Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон энерготизимларининг параллел ишлаши тўхтагани йўқ. Режим беқарорлигининг асосий манбаи бўлган Тожикистон энерготизими бугунги кунда алоҳида ишламоқда. Айни пайтда Тожикистоннинг республика энерготизими билан бевосита боғланмаган ҳудудларини электр энергияси билан таъминлаш тўхтатиб қўйилмаган ва бу иш Ўзбекистон томонидан амалга оширилмоқда. "Ўзбекэнерго" ДАК Душанбени мазкур ҳудудларни мавжуд электр тармоқлари орқали энергия билан таъминлашни давом эттиришга тайёр эканлигидан расмий равишда хабардор қилди.

Бундан ташқари, Ўзбекистон энергетиклари Тожикистон томони билан икки мамлакат энерготизимларининг параллел фаолият юритишини қайтадан тиклаш шартларини ишлаб чиқиш бўйича музокаралар олиб боришга ҳам тайёр.

Жамолиддин ТЎХТАШЕВ.

Корхона ва ташкилотлар диққатига!

РЕСПУБЛИКА ИНКАССАЦИЯ БИРЛАШМАСИ

танлов эълон қилади.

«Юнусобод туманининг Тикланиш кўчасида автохўжалик маъмурий биноси ва 200 та автомобиллар тўхташ жойи қурилиши»

Буюртмачи — Республика Инкассация бирлашмаси.
Қурилишни якунлаш муддати — 2010 йил 31 декабрга.
Манзил: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Тикланиш кўчаси.
Молиялаштириш буюртмачининг ўз маблағи ҳисобидан амалга оширилади.
Бошлангич баҳоси:
— 1 428 599 860 сўм ҚҚС билан;
— 1 190 499 880 сўм ҚҚСсиз.

Тендерда қатнашувчи корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга жавоб беришлари керак: танлов савдо предметининг 20 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги айланма маблағга ёки ушбу маблағни беришга банк кафолатномасига, ишлаб чиқариш базасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлигига, танлов иншоотига ўхшаш объектларда ишлаш тажрибасига, етарли касбий ҳамда техникавий малака ва молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат, ваколатларга эга, тажрибали ҳамда ишончли бўлишлари шарт. Устав сармоясининг миқдори, ўз кучлари билан илгари бажарилган иш ҳажмлари тўғрисидаги маълумотлар тақдим қилиниши керак.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда маҳаллий пудратчиларга қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Тендер савдоларида қатнашиш ва танлов ҳужжатларини олиш учун тендер ташкилотчиси — Республика Инкассация бирлашмасига қуйидаги манзил бўйича мурожаат этиш лозим:
Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 19-уй.
Телефонлар: 244-39-27, 244-39-29, 244-14-73.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплами нархи — 250 000 (икки юз эллик минг) сўм.

Таклифлар (оферталар) тендер ташкилотчисига тақдим этилади.
Таклифлар (оферталар)ни қабул қилишнинг сўнгги муддати — эълон чоп этилгандан сўнг 30 кун давомида.
Берилган таклифларнинг очилиши эълон чоп этилгандан бошлаб 30 кундан сўнг Тошкент шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 19-уй, Республика Инкассация бирлашмасида амалга оширилади.

1274R/1575

"Росагропромснаб" МЧЖ

ТУРЛИ ХИЛ ГАЗ ЖИҲОЗЛАРИНИ

ТАКЛИФ ЭТАДИ

- **УЛЬТРАТОВУШЛИ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ**
- **5 м³/соатдан 500 м³/соатгача БЎЛГАН ГАЗ ТАҚСИМЛАГИЧ ШКАФЛАРИ**
- **ЮҚОРИ, ЎРТА ВА ПАСТ БОСИМЛИ ГАЗ МЕЪЁРЛАГИЧЛАРИ**
- **ПЗК фильтрлари, ИЗО муфталари**



Маҳсулот сертификатланган.

Т./ф.: 273-16-40, 276-90-57, 276-97-90.

Манзил: Тошкент ш., Чилонзор мавзеси, Ц-даҳаси, 6-уй.
Мўлжал — «Шуҳрат» дўкони жойлашган чорраҳа.

"ВОЛГА" АВТОМОБИЛЛАРИГА

МАКСИМАЛ ЧЕГИРМА

AVTODOM PLUS
"ГАЗ" РУСУМИНИНГ РАСМИЙ ДИЛЕРИ
WWW.AUTO.UZ

Автосалон:
Тошкент ш., Бунёдкор шоҳкўчаси, 118-уй.
Тел.: (998 71) 140-41-21, 140-41-22.
Офис:
Тошкент ш., 100015, Шаҳрисабз к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998 71) 256-03-62, 256-13-01.

Шунингдек, сотувда 3307 русумли вахта автобуслари ҳам мавжуд.

МАҲСУЛОТ СЕРТИФИКАТЛАНГАН

Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг "Халқ сўзи" газетаси 2009 йил 5 декабрдаги 236-сонида чоп этилган тендер савдоларининг 9, 11, 12-лотлари бўйича "Азия спорт С" ХФ ғолиб деб ҳисоблансин.

Спорт ● Sport ● Спорт

1-8 декабрь кунлари Чехия пойтахти Прага шаҳрида универсал жанг бўйича ўтказилган Х жаҳон чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси умумжамоа ҳисобида иккинчи ўринни қўлга киритди. Биринчи ўрин Россия, учинчи ўрин эса Беларусь терма жамоаларига насиб этди.

АЛИШЕР АБДУЛЛАЕВ — ТЎРТ КАРРА ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ!

Таъкидлаш лозимки, бокс, қўл жанги, дзюдо, самбо ва бошқа кўплаб яккакурашларни ўзида мужассамлаштирган универсал жанг дунёда тезлик билан оммалашаётган спорт турларидан ҳисобланади. Ўзбекистон учун бу спорт тури нисбатан янги саналсада, эришилаётган натижалар салмоқли бўлмоқда. Қолаверса, шу кунгача мамлакатимиз ушбу спорт тури бўйича беш марта Осиё чемпионати ва бир марта жаҳон чемпионатига мезбонлик қилди. Осиё универсал жанг федерациясининг қароргоҳи Тошкентда жойлашганлиги ҳам мазкур спорт турининг мамлакатимизда ривожланишига хизмат қилмоқда.

Осиё универсал жанг федерацияси президенти Сардор Тошхўжаевнинг айтишича, Прагада ўтган жаҳон чемпионатида 32 мамлакатдан келган 300 нафардан ортиқ файтерлар медаллар учун кураш олиб бордилар. Мусобақада ҳамюртларимиздан Алишер Абдуллаев (75 кг.) классик йўналишда, Жамолиддин Омонов (60 кг.) эса лайтконтакт йўналишида барча рақибларини енгиб, жаҳон чемпиони, деган шарафли номга сазовор бўлдилар. Маълумот ўрнида айтиш мумкинки, бу иқтидорли спортчимиз Алишер Абдуллаевнинг тўртинчи бор ўз вазн тоифасида жаҳонда тенгсиз, деб топилишидир. Шунингдек, Нуриддин Долимов (65 кг.) кумуш, Ортиқ Полвонов (+95 кг.) бронза медаллари билан тақдирландилар.

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида Осиё чемпионлар лигасининг 2010 йилги мавсуми учун қурға ташлаш маросими ўтказилди. Унга кўра, қитъанинг ушбу нуфузли мусобақасида 32 та жамоа 8 гуруҳга бўлинган ҳолда кураш олиб боради.

ФУТБОЛЧИЛАРИМИЗ КУЧЛИ ГУРУҲДА

Осиё чемпионлар лигасида бу сафар ҳам "Пахтакор" ва "Бунёдкор" жамоалари мамлакатимиз шарафини ҳимоя қилишади. Агар "Бунёдкор" мазкур турнирда учинчи маротаба иштирок этаётган бўлса, "Пахтакор" саккизинчи бор бош соврин учун баҳс юритади.

Қурға натижаларига кўра, "Бунёдкор" **"В" гуруҳида** "Зобахон" (Эрон), "Ал Иттиҳод" (Саудия Арабистони), ОЧЛ плей-офф (Гарбий минтақа) ғолиби, "Пахтакор" эса **"С" гуруҳида** "Ал-Айн" (БАА), "Сепахон" (Эрон), "Ал-Шабоб" (Саудия Арабистони) жамоалари билан кейинги босқичга чиқиш учун ўзаро тўп суради. Ўтган мавсумда ҳар иккала жамоамиз чорак финалгача етиб келишди.

Кўриниб турибдики, ҳамюртларимиз гуруҳ босқичида, асосан, Саудия Арабистони ва Эрон жамоалари билан куч синашадиган бўлишди. Ўзбекистон жамоалари шу кунгача (2002 йилдан бошлаб) Эрон клубларига қарши Осиё чемпионлар лигаси доирасида ўн олти марта майдонга тушишган ва аксарият ҳолларда зафар қучишган. Саудия Арабистони жамоалари билан ўн еттита (5 та ғалаба, 2 та дуранг, 10 та мағлубият, тўплар нисбати 13-35) ўйин ўтказишган.

"Пахтакор" бош мураббийи Виктор Жалилов чемпионлар лигасидаги рақиблари ҳақида қуйидагича фикр билдирди:

— Ўтган мавсумда гуруҳ босқичини Бирлашган Араб Амирликларида бошлаб, Саудия Арабистонида ниҳоясига етказгандик. Бу йил яна бир бор шундай вазиятга тушадиган бўлдик. Фақат Эрон жамоаси билан дастлаб ўз майдонимизда ўйнаймиз, кейин эса сафар уюштирамиз. Биргина фарқ шунда. Гуруҳдаги барча жамоалар кучли. "Ал-Айн" бир текис ўйнайдиган клуб. "Ал-Шабоб" эса Саудия Арабистони кубоги финалида "Ал-Иттиҳод"ни мағлуб этганди. Бу ушбу жамоанинг кучини кўрсатиб турибди. Эронликлар ҳар доим қитъада етакчилардан саналишади. Умуман олганда, лигада кучсиз жамоанинг ўзи йўқ. Лекин "Пахтакор" ҳеч бир жабҳада улардан қолишмайди деб ўйлайман. Асосий мақсадимиз мусобақада муваффақиятли иштирок этиб, мухлисларга қувонч улашиш.

"Бунёдкор" ярим ҳимоячиси Сервер Жепаров "В" гуруҳида Саудия Арабистонининг "Ал-Иттиҳод" жамоаси асосий рақиб бўлишини айтиб ўтди.

— Улар яқиндагина финал баҳсида ўйнашди. Шу сабабли, ўқув-йиғин машғулотларига алоҳида эътибор бериш керак. Чунки айнан кучли машқлар илк ўйиндаёқ яхши натижани қўлга киритишга хизмат қилади, — деди, жумладан, С. Жепаров.

З. ЖОНИБЕКОВ тайёрлади.

Спорт ● Sport ● Спорт

Долзарб мавзу

ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ ЙЎЛИДА

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 декабрдаги фармойишига биноан жорий йилнинг 10 декабридан мамлакатимизда ҳаракат хавфсизлиги ойлиги бошланди. Ойликнинг йўлларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашдаги аҳамияти, мақсад ва вазифалари хусусида Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармаси бошлиғи, полковник Азиз ИНОЯТОВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимизда инсон манфаатларини таъминлаш масаласига доимо устувор аҳамият берилмоқда. Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, давлат ташкилотлари, корхоналар, меҳнат жамоалари ҳайдовчилари, пиёдалар, жумладан, болалар ўртасида профилактик тадбирларни олиб бориш, транспорт воситаларининг техник ҳолатини, йўлларнинг аҳволини яхшилаш ҳамда оммавий ахборот воситалари орқали тарғибот ва ташвиқот ишларини олиб бориш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимизда йўлларнинг кенг ва равонлигини таъминлаш юзасидан кўрилаётган чора-тадбирлар ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга қаратилган.

Мамлакатимизда транспорт воситаларининг сони тобора ортиб бораётир. Бу юртимизда автомобилсозлик саноати ривожининг ва халқимиз фаровонлиги ичил юксалаётганининг самараси. Шаҳар ва қишлоқларимиз йўлларида енгил автомашиналар ва автобуслар қатнови сезиларли даражада кўпаймоқда. Бу эса йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашни янада такомиллаштириш, ходимлар малакасини узлуксиз ошириш, хизмат тизимини замонавий асбоб ва техника билан жиҳозлашни тақозо этади.

Жорий йилнинг ўтган ўн бир ойи якуни бўйича амалга оширилган ишларнинг таҳлили мамлакатимиз йўлларида йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, содир бўладиган турли нохуш ҳолларни камайтириш борасидаги тадбирлар ўз самараларини бераётганини кўрсатади. Шунга қарамай, йўлларда оғир оқибатли йўл-транспорт ҳодисалари ҳамон содир бўлаётир.

Олиб борилаётган тадбирлар натижасида шу йилнинг ўн бир ойи давомида содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари 2008 йилнинг шу даврига нисбатан бирмунча камайишига эришилди. Аммо йўл-транспорт ҳодисаларининг сони юқорилигича қолаётгани жиддий ташвиш уйғотмоқда. Афсуски, бундай ҳодисалар оқибатида 2 минг 15 нафар фуқаро ҳаётдан бевақт кўз юмди ва 10 минг 484 киши турли даражадаги тан жароҳати олди.

Таҳлиллар бундай ҳодисаларнинг олдини олиш ва камайтириш мумкинлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 5 декабрдаги фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 10 декабридан 2010 йилнинг 10 январигача давом этадиган ҳаракат хавфсизлиги ойлигини ўтказишдан мақсад ҳам айнан йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини оширишга қаратилгандир. Шу боис мазкур ойлик давомида комплекс чора-тадбирлар ўтказилади. Хусусан, транспорт ва пиёдалар, жумладан, болалар ҳаракати серқатнов бўлган йўллар ва жойлар яна бир бор кўриб чиқилади, аниқланган камчиликларни бартараф этиш чора-тадбирлари кўрилади.

Ҳукуматимиз фармойишида таъкидланганидек, тадбир давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятларда ойликни ташкил этиш ва ўтказиш комиссиялари фаолият кўрсатади. Барча вилоятларда ойликни самарали ўтказиш тадбирлари ишлаб чиқилди. Уларда ҳаракат хавфсизлигини таъминлашга дахлдор идораларнинг вазифалари белгиланди. Йўл ҳаракати қоидалари бўйича амалий машғулотлар ўтказиладиган «Болалар автошаҳарчалари» барпо этилмоқда.

Тадбир доирасида мактаблар ва болалар боғчаларида йўл ҳаракати қоидаларини янада пухтароқ ўргатишга катта эътибор берилаётгани бежиз эмас. Зотан, нохуш йўл-транспорт ҳодисаларининг муайян қисми болалар иштирокида рўй бераётгани ташвишланарлидир. 2009 йилда содир бўлган йўл-транспорт ҳодисаларининг таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, 1717 йўл-транспорт ҳодисаси айнан болалар билан боғлиқ ҳолда юз берган. Бу ҳодисаларда 261 нафасида ҳаётдан бевақт кўз юмди ва 1541 нафар бола турли даражадаги тан жароҳати олди.

Бу болалар орасида тушунтириш ишларини янада яхшилаш кераклигини тақозо этади. Чунки йўл ҳаракати қоидасини барча яхши билиши ва унга тўла амал қилиши зарур. Шунинг учун давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходимлари нафақат кўчаларда, транспорт воситалари ва пиёдаларнинг хавфсизлик қоидаларига риоя этишини назорат қилмоқда, балки ўқув, мактабгача тарбия муассасаларида, маҳалла ва жамоат жойларида болалар билан учрашув ва суҳбатлар ўтказмоқда, кенг кўламли тарғибот ишларини олиб бормоқда.

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқариш пайтида телефондан фойдаланиши тақиқланган, конструкциясида хавфсизлик камарлари назарда тутилган транспорт воситалари ҳаракати чоғида ҳайдовчилар ва йўловчилар томонидан хавфсизлик камарларидан мажбурий фойдаланиш жорий этилгани йўлларда хавфсизликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Салоннинг олди қисмига ўрнатилган теле ва видеомонитордан транспорт воситасини бошқариш пайтида фойдаланиш, шунингдек, транспорт воситаси салонининг олди қисмига ўзбошимчалик билан бундай воситаларни ўрнатиш тақиқланади.

Бундай чора-тадбирлар йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишда муҳим аҳамият касб этаётир. Афсуски, йўл ҳаракати хавфсизлиги қоидаларига беписанд муносабатда бўлаётган ҳайдовчилар ҳам йўқ эмас.

Ҳайдовчилар айби билан содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили, аввало, ҳайдовчиларнинг белгиланган тезликка риоя этмаслиги, йўлчироқ ишораларига нисбатан эътиборсизлиги, маст ҳолда транспорт бошқариш ва бошқа қоидабузарликлар туфайли юз бераётганини кўрсатмоқда. Бу эса жойларда ўтказилаётган тадбирлар изчил амалга оширилмаётгани, маҳаллий ҳокимлик, идора ва ташкилотлар, хўжаликлар раҳбарларининг йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашдек долзарб масалага етарлича масъулият билан ёндошмаётгани оқибатидир.

Вазирлик ва идоралар томонидан назоратнинг бўшаштириб юборилгани, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олишга қаратилган тадбирларнинг етарли даражада ўтказилмаётгани, транспорт воситаларининг техник ҳолатига эътиборсизлик оқибатида ҳайдовчилар айби билан содир этилаётган бахтсиз ҳодисалар ортаётгани кузатилмоқда.

Йўлларда инсон ҳаёти, хавфсизлигини асраш — бизнинг бош мақсадимиз. Бу хайрли ишда биз бутун жамоатчиликка таяниб иш кўрамиз. Мамлакатимизда бошланган ҳаракат хавфсизлиги ойлиги шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Беҳзод НОРБОЕВ ёзиб олди.

«Республика Кўчмас мулк биржаси» ЁАЖ ва унинг вилоят филиаллари

бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. РКМБ марказий аппаратининг аукцион савдоларига Собир Раҳимов тумани СИБ томонидан қуйидаги объектлар қўйилади:

1. Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Жомий кўчаси, 20-уйда жойлашган «Жиҳоз» ОАЖнинг «Б» блокдаги, майдони 378 кв.м. бўлган, 1943 йилда қурилган савдо дўкони (ижро ҳужжати 2008 йил 26 декабрь, № 10-0804/14268).

Бошланғич баҳоси — 162 500 000 сўм.

2. Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, Жомий кўчаси, 20-уйда жойлашган, «Жиҳоз» ОАЖга тегишли, майдони 959 кв.м. бўлган, қурилган йили номаълум омборхона биноси («К» блокининг бир қисми) (ижро ҳужжати 2009 йил 5 январь, № 10-0814/14878).

Бошланғич баҳоси — 500 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 29 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдосида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБнинг ОАИТБ «Ипак йўли» банки «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Манзил: Тошкент шаҳри, Собир Раҳимов тумани, М. Ўрозбоев кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 228-79-52.

II. РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг аукцион савдоларига Суд департаменти Самарқанд вилояти ҳудудий бошқармаси томонидан 2008 йил 25 декабрдаги ЖСК-1-481/2008-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган қуйидаги мулклар такроран 10 фоиз арзонлаштирилган нархда қўйилмоқда:

Самарқанд шаҳри, Бедил кўчасида жойлашган:

- «Парвина-Юнипак» универсал ўрама материаллари ишлаб чиқариш марказига қарашли ускуналар, бошланғич баҳоси — 291 600 000 сўм;
- «12-шина таъмирлаш заводи» МЧЖга тегишли асбоб-ускуналар ҳамда қурилиш майдони 7489,14 кв.м. бўлган бино ва қурилмалар мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси — 1 237 768 932 сўм.

Самарқанд шаҳри, Аэропорт кўчаси, 9-уйда жойлашган, «СУ-855» МЧЖга тегишли:

- мол-мулклар ҳамда қурилиш майдони 2610,71 кв.м. бўлган бино ва қурилмалар мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси — 160 729 873 сўм;
- қурилиш майдони 843,0 кв.м. бўлган савдо дўкони, бошланғич баҳоси — 159 477 061 сўм.

Самарқанд шаҳри, Чўпонота масканида жойлашган:

- МЧ «ТРИО» СИЧКга тегишли мол-мулклар, маиший техникалар, бошланғич баҳоси — 64 778 951 сўм;
- МЧ «ТРИО» СИЧКга тегишли, қурилиш майдони 1978,26 кв.м. бўлган бино ва қурилмалар, бошланғич баҳоси — 180 490 194 сўм;
- «СУ-855» МЧЖга тегишли асфальт-бетон заводининг асбоб-ускуналари, бошланғич баҳоси — 258 886 286 сўм;
- Самарқанд шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 82-«Б» уйда жойлашган, ХЕАТБ «Парвинабанк»га тегишли, қурилиш майдони 540,0 кв.м. бўлган 3 қаватли бош офис биноси, қурилиш майдони 362,86 кв.м. бўлган 1 қаватли офис биноси ҳамда асбоб-ускуналар, мебель ва инвентарлар мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси — 1 252 589 650 сўм;
- Самарқанд шаҳри, Ўзбек тракти М-39, 33-уйда жойлашган, фуқаро Н. Қодировага тегишли, умумий майдони 2145,5 кв.м., қурилиш майдони 298,06 кв.м. бўлган дала ҳовли, 1 ва 2 қаватдан иборат 3 та бино, бошланғич баҳоси — 143 242 887 сўм;
- Самарқанд тумани, «Боғибаланд» ҚФЙ, Кундисўфи қишлоғида жойлашган, ХЕАТБ «Парвинабанк»га тегишли, умумий майдони 816,44 кв.м. бўлган дорихона ва савдо мажмуаси бинолари, бошланғич баҳоси — 93 018 060 сўм;
- Самарқанд шаҳри, Спитамен шоҳкўчаси, 270-уйда жойлашган, «СУ-855» МЧЖга қарашли ишлаб чиқариш линияси (пенополиуританиситкич «JG-150» насос типа VH-150), бошланғич баҳоси — 64 081 433 сўм;
- Самарқанд тумани, Мотрит қўрғонида жойлашган, «Мадрид интер плюс» МЧЖга қарашли ғишт ишлаб чиқариш заводининг қурилиш майдони 3278,02 кв.м. бўлган бинолари, ускуналари ва жиҳозлари мулкий мажмуа сифатида, бошланғич баҳоси — 681 862 131 сўм;
- Самарқанд шаҳри, Геологлар қўрғонида жойлашган, «Парвина қурувчи ПВС» МЧЖга тегишли, қурилиш майдони 2608,14 кв.м. бўлган бино ва иншоотлар, узунлиги 276 метр бўлган металл темир девор, юзаси 371 кв.м. бўлган, пишиқ ғишт-блокдан терилган девор ҳамда 2988 кв.м., асфальтланган майдон, бошланғич баҳоси — 633 499 380 сўм.

Аукцион савдоси 2009 йил 29 декабрь куни соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Талабгорлар диққатига! 2009 йил 29 декабрдаги аукцион савдосида сотилмай қолган мулкларнинг такрорий аукцион савдоси 2010 йил 15 январь куни бўлиб ўтади.

Аукцион савдолари юзасидан барча маълумотларни (8-366) 233-80-56 телефони ёки биржанинг www.rkmb.uz расмий веб-сайти орқали олиш мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагидаги талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда, РКМБ Самарқанд вилояти филиалининг АТ «Турон» банки Самарқанд шаҳар филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452123, МФО: 00282, СТИР: 200933850.

Манзил: Самарқанд шаҳри, Бўстонсарой кўчаси, 85-«А» уй. Телефон: (8-366) 233-80-56.

Юқоридаги мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

www.rkmb.uz

Лицензия: DB 001 № 000004.

ЎЗБЕКИСТОНГА КОНВЕКТОРЛАРНИ РАСМИЙ ЕТКАЗИБ БЕРУВЧИ —

«УКРАИНА БИЗНЕС МАРКАЗИ» МЧЖ

минтақавий дилерларни ҳамкорликка чақиради, чегирмалар мавжуд!

АЛОҲИДА ҲОЛДА ИСИТИШНИНГ ЯНГИЧА ЕЧИМИ!

Ўзбекистон Республикасида сертификатланган, газда ишлайдиган «АКОГ» иситиш конвектори:

- *хонани тезда иситади;*
- *экологик тоза;*
- *белгиланган ҳароратни автоматик равишда бир маромда сақлайди;*
- *совуққа чидамли, сув, электр таъминоти ва газ босими ўзгариши унга таъсир кўрсатмайди;*
- *газни тежаб сарфлайди;*
- *бинолар, коттежлар, офислар, кафелар ва дала ҳовлидаги уйларни иситишда унинг ўрнини ҳеч нарса босолмайди.*

Шунингдек, Украина ишлаб чиқарувчиларининг қуйидаги юқори сифатли маҳсулотларини етказиб берамиз: трансформаторлар, трансформатор кичик станциялари, насослар, тиббий препаратлар ва тиббиёт ускуналари, металл маҳсулотлари, темир йўллар учун буюмлар, кунгабоқар ёғи, қандолат маҳсулотлари, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда бошқа маҳсулотлар ҳаммабоп нархларда!

Тошкентдаги тел.: 158-85-75, 242-93-73, 242-84-64.
E-mail: ubcazia@rambler.ru www.ubcazia.com

CSP DIRECT LINE — ПП «ЧИРЧИК ШАНХАЙ ПЛАСТ»

ПРОИЗВОДИТ НАПОРНЫЕ ПОЛИЭТИЛЕНОВЫЕ ТРУБЫ

ДИАМЕТРОМ ОТ 16 мм ДО 1 200 мм ДЛЯ ГАЗА, ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ И КАНАЛИЗАЦИИ, КОМПЛЕКТУЕТ АДАПТЕРАМИ, СОЕДИНИТЕЛЯМИ, ОТВОДАМИ, ТРОЙНИКАМИ.

ПРОИЗВОДИТ МОНТАЖНО-УКЛАДОЧНЫЕ РАБОТЫ.

Товар сертифицирован, гарантия — 5 лет, срок службы — 50 лет.

Адрес: г. Ташкент, ул. Шайхантохур, 36, 3-й этаж, бизнес-центр «ЛАБЗАК». Тел./факс: 241-70-06, 244-83-00, моб. (+998 93) 547-49-75, (+998 90) 995-19-99. e-mail: sedou2006@yandex.ru

"Олтин мерос" халқаро хайрия жамғармаси жамоаси Ахборот хизмати раҳбари Карим Баҳриевга падари бузруквори

ҲАКИМ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси жамоаси "O`zbekiston" телерадиоканали" ДУК "Ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий дастурлар" бош муҳарририяти бўлим мудири Наби Дўстматовга укаси

Эркинжон ДЎСТМАТОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

"Ўзэлектртармоқ" УК раҳбарияти жамоаси "Ўзбекэнерго" ДАК Электр тармоқларидан фойдаланиш бошқармаси бошлиғи С. И. Юсуповга падари бузруквори

ИБРОҲИМ отанинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент давлат иқтисодиёт университети ректорати ва Бирлашган касаба уюшма қўмитаси университет ходими Аҳмад Ҳасановга онаси

Ҳайиттул ҲАСАНОВАнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

Vinlad — Ҳаётимизни осойишта қиламиз!

Диққат, акция! Гувоҳнома № 000969

«Vinlad» махсуслаштирилган ишлаб чиқариш корхонаси

АРЗОНЛАШТИРИЛГАН НАРХЛАРДА

видеокузатув ускуналарини таклиф этади.

- Оқ-қора ТВ-камералар 50 000 сўмдан бошлаб, рангли ТВ-камералар 120 000 сўмдан бошлаб.
- Шунингдек, электр токининг йўналишини ўзгартирувчи асбоб, квадраторлар, видео ишғол қилиш платалари, DVR ва хавфсизлик тизими учун бошқа ускуналар..
- Кириш йўли назорати тизими, пластик карточкаларини босмалаш мосламалари.
- Периметрларни қўриқлаш тизимлари, видеокузатув, навигация тизимлари.

Тошкент шаҳри. Бунёдкор шоҳкўчаси, 44-уй.
Тел.: 277-97-14, 277-97-15, 277-92-67, 277-92-71.
Тел/факс: 277-00-68.
E-mail: vinlad@vinlad.uz Website: www.vinlad.uz

Маҳсулот сертификатланган. Хизматлар лицензияланган.

ОБ-ҲАВО (10 декабрь)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Кечаси 8-13, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

Бухоро ва Навоий вилоятлари. Ёғингарчилик кутилмайди. Жойларга туман тушади. Ҳарорат тунда 2-7 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади. Навоий вилоятининг шимолий қисмида кечаси 8-13, кундузи 0-5 даража совуқ бўлади.

Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилмайди. Туман тушади. Кечаси 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

Тошкент вилояти. Ёғингарчилик бўлмайди. Туман тушади. Ҳарорат тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик бўлиши мумкин. Туман тушади. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илиқ атрофида, кундузи 2-7 даража илиқ бўлади.

Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятлари. Ёғингарчилик кузатилиши мумкин. Туман тушади. Тунда 0-5 даража совуқ, кундузи 0-5 даража илиқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кутилмайди. Кечаси ва эрталаб туман тушади. Ҳарорат тунда 1-3 даража совуқ, кундузи 1-3 даража илиқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

Халқ сўзи — Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1103. 32001 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.20 Топширилди — 02.30 1 2 4 5